



Александр Македонский вафот этганидан кўп ўтмай, унинг энг кўзга кўринган саркардалари улкан империяни бўлиб олдилар. Птолемей Сотерга Миср тегди ва у бу ерда 40 йил хукмронлик килди. Унинг даврида Мисрнинг янги пойтахти Александрия улкан ва бой шаҳарга айланди. Ўрта ер денгизи киргогидаги сарой мажмуасида эса махсус кутубхона учун катта бино қурилди. Бу бино Мусеён – Музалар йигилиши деб ном олди. Милoddан аввалги 307 йилда у тантанали равишда очилди. Садргач ёғочидан ясалган тоқчаларда папирус ўрамлари махсус гилофларда ётарди. Хар бир гилофга ичидаги маълумотларни тасвирловчи лавҳача маҳкамланган эди.

Биринчи Птолемейлар – ота, ўғил ва набира – Греция, Рим, Миср, Яқин Шарқ ва ҳатто Хиндистоннинг имкон қадар кўпроқ адабий ёдгорликларини тўплаш учун маблагларини аямадилар. Ўрамлар кўчирилиб, таркатилган, шунинг туфайли антик даврнинг кўплаб асарлари бизнинг давримизгача етиб келган. Птолемей III Эвергет нусха олиш мақсадида афиналиклардан давлатга тегишли бўлган Эсхил, Софокл ва Еврипид трагедияларининг нусхаларини гаров сифатида 750 кг олтин бериб олган. Кейин у бу нусхаларни қайтариб бермаган, гаровга эса шунчаки эътиборсизлик қилган, ҳатто афиналикларни алдагани билан мактанган. Бу Миср шоҳи даврида Александрия

кутубхонасида аллақачон 200 мингга яқин ўрам бўлган. Мусеён жаҳон аҳамиятига эга илмий марказга айланган. Унда давлатнинг тўлиқ таъминотида бўлган юздан ортиқ олим ва мутахассислар доимий равишда ишлаган.

Бу ерда фалсафа, тарих, география, астрономия, физика, математика, филология, адабиётшунослик, тиббиёт каби фанлар билан шугулланганлар. Олимлар ўз илмий изланишларида эркин эдилар, аммо олий ҳокимият обрўсига тажовуз қилмасликлари керак эди. Масалан, бир шоир Птолемей II Филадельфни фиръавнлар одатларига кўра ўз тугишган опасига уйлангани учун шеърларида масҳара қилган. Шох ўша журъатли шоирни чўктиришга буйруқ берган.

Милоддан аввалги III аср бошларида Мусеёнга раҳбарлик қилган шоир Каллимах, ривоятларга кўра, Александрия кутубхонасининг 120 жилдлик каталогини, ўзига хос антик давр маданияти энциклопедиясини яратган. Яқинда Венадаги Миллий кутубхонанинг қўлёзма архивларини текшириш чоғида тўсатдан папирус вараги топилган. Бу 214 сатрли парча бўлиб, унда Александрия кутубхонасидан эпиграммалар тўплами тасвирланган ва Каллимахнинг ўзининг қайдлари ҳам бор эди.

Мусеёнда буюк Евклид ўзининг машҳур “Математика элементлари” асарини ёзган. Механик Қадимги Герон милоддан аввалги II аср ўрталарида бу ерда ўз буг тажрибаларини ўтказган, улар факат икки минг йил ўтгач Францияда такрорланган. Александрияда тиббиёт катта муваффақиятларга эришган.

Милоддан аввалги III аср бошларида Мусеённинг бош кутубхоначиси файласуф, математик, астроном ва адабиётшунос Эратосфен бўлган. У Александрия жойлашган меридиан узунлигини ва ер ўқининг узунлигини етарлича аниқ ҳисоблаб чиққан. Охириги ҳолатда у атиги 75 кмга хато қилган. Эратосфен уч жилдлик география асарини яратган, кейинчалик машҳур антик географ Страбон ундан фойдаланган. Эратосфен, шунингдек, тарихий воқеалар вақтини аниқ белгилаш билан шугулланган, шу тариқа тарихий фан – хронологияга асос солган.

Афсонага кўра, Александрия кутубхонасида бизгача етиб келмаган Платоннинг Атлантида ҳақидаги яна бир (учинчи) қўлёзмаси сақланган. Бу ерда Аристофаннинг барча комедиялари мавжуд бўлган (биз уларнинг тўртдан бир қисминигина биламиз). У ерда Гомернинг "Илиада" ва "Одиссея"дан ташқари бошқа асарлари ҳам борлиги айтилган.

Милоддан аввалги I аср ўрталарига келиб, Мусеёнда 700 мингга якин саклаш бирлиги бўлган. Аммо милоддан аввалги 48 йилда Александрияда Юлий Цезарнинг Клеопатрани тахтга ўтказишни хоҳлаган легионлари ва унинг укаси Птолемей Дионис кўшинлари ўртасида уруш бошланди. Жанглар хатто сарой мажмуасининг ўзида ҳам бўлган. Натижада машхур кутубхонанинг бир қисми ёниб кетди.

Кейинчалик малика Клеопатра Мисрнинг янги ҳукмдори ва ўз севгилиси Марк Антонийдан йўқ қилинган нарсаларнинг ўрнини тўлдиришни сўради. Александрия кутубхонасига Пергамдан бой ўрамлар тўплами берилди. Октавиан Август ҳокимиятни эгаллагач, у қўлёзмаларнинг бир қисмини шаҳарнинг бошқа туманидаги Серапис ибодатхонасига кўчиришни буюрди.

Александрия ва унинг ажойиб кутубхонаси яна икки асрдан кўпроқ вақт давомида жаҳоннинг илм-маърифат маркази бўлиб қолди. 273 йилда Рим императори Аврелиан кўшинлари Александрияни эгаллаб, Мусеён биносини вайрон қилди. Олимлар сакланиб қолган қўлёзмалар ва асбобларни Серапис ибодатхонасига олиб ўтишди ва у ерда ўз ишларини давом эттиришди. 391 йилда бу янги илмий марказ император Феодосий I нинг розилиги билан фанатик христианлар томонидан бузиб ташланди ва ёкиб юборилди.

Абу Муслим таржимаси

(профессор, сиёсий таҳлилчи)